

Жиноят қонуни нормалари талабини бузиш суд қарорларининг бекор бўлишига сабаб бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг 2004 йил 14 сентябрдаги ҳукмига асосан У. Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган ва шу суднинг 2004 йил 17 сентябрдаги ажрими билан унга ЖПКнинг 541-моддаси тартибида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган.

Шу вилоят суди апелляция инстанциясининг 2004 йил 19 октябрдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Ҳукмнинг тавсиф қисмида суд томонидан исбот этилган деб эътироф қилинган жиноий қилмишнинг тавсифи, усули, айбнинг шакли тўлиқ кўрсатилмасдан, фақат У.нинг ёнидан шахсий тинтув пайтида 16,45 грамм «героин» гиёҳвандлик воситаси топилганлиги ва ашёвий далил тариқасида олинганлиги қайд этилган. Бу билан ЖПК 467-моддаси 1-қисмининг талаблари жиддий бузилишига йўл қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасида гиёҳвандлик ёки захарвандликка йўлиққан шахслар томонидан жиноят содир этилган тақдирда, агар тиббий хулоса мавжуд бўлса, суд жазо тайинлаш билан бирга уларга тиббий йўсиндаги чораларни ҳам тайинлаши кўрсатилган.

Наркология диспансерининг 2004 йил 16 июлдаги хулосаси билан У. 2002 йилдан мунтазам равишда «героин» гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиб келганлиги, оқибатида гиёҳвандликка йўлиққанлиги ва унинг гиёҳвандликдан мажбурий даволанишга муҳтожлиги аниқланган.

Суд ҳукм чиқариш пайтида, ЖПК 457-моддаси 1-қисмининг 15-банди талабини бузган ҳолда, судланувчи У.га нисбатан ЖК 96-моддасига асосан

тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш зарур ёки зарур эмаслиги масаласини муҳокама қилмаган.

Қонунда суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими ва қарорининг ижроси билан боғлиқ масалаларгина Ўзбекистон Республикаси ЖПК 541-моддаси тартибида ҳал қилиши назарда тутилган бир вазиятда, ушбу иш бўйича суд томонидан Уга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўллаш тўғрисида ҳукм чиққандан сўнг 2004 йил 17 сентябрда ажрим чиқарилиб, хатога йўл қўйилган.

Ишни апелляция инстанциясида кўришда биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган ушбу қонун талабларининг бузилиши ҳолатларига етарлича эътибор берилмаган.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати Уга нисбатан чиқарилган суд қарорларини бекор қилиб, жиноят ишини янгитдан кўриш учун юборди.

40-05-сонли ажрим

